



ТИҚХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Ҳўжалигини  
Механизациялаш Муҳандислари Институти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



“ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ҲЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги анъанавий **XX** - ёши  
олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг илмий  
- амалий анжумани

20

*XX - traditional Republic  
scientific - practical conference of  
young scientists, master students  
and talented students under the  
topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER  
REOURCES”**

**МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

**III қисм**

Тошкент – 2021 йил, 25 – 26 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

---

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҮЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”**  
*мавзусидаги анъанавий XX – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли  
талабаларнинг илмий-амалий анжумани*

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**III -ҚИСМ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

51.	Муталова Д.-3 курс, бакалавр, Б.Ф.Султонов проф,	Повышение эколого-экономической эффективности мелиорации в сельском хозяйстве Узбекистана	599
52.	Яхяев М.М – докторант ТИQХММИ	Чорвачилик тармогини барқарор ривожлантиришда яйлов чорвачилигининг ўрни	603
53.	A.A.Berdimurodov – assistenti M.R.Xalilova – talaba TIQХММИ	Raqamli iqtisodiyot sharoitda innovatsion faoliyat samaradorligini oshirish yo'nalishlari	606
54.	Berdimurodov A – TIQХММИ doktoranti Berdinazarov I., Xudoyberdiyev S., Abdusattorov Sh – TIQХММИ talabalari	Raqamli iqtisodiyotda qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish strategiyasini shakllantirish	609
55.	Iskandarov Haytboy Xasanboy o'g'li, talaba, TIQХММИ Berdimurodov Akmal Azamat o'g'li, Asissent, TIQХММИ	Innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda xorijiy tajribalar	613

## IX – ШЎЬБА

### Кишлоқ ва сув хўжалиги масалаларида математик моделлаштириш усуллари ва ахборот

№	Муаллифлар	Мақола номи	Бет
1.	Насритдинова Умида Ахмаджоновна- п.ф.ф.д., (PhD), доцент, Қаюмова Зиёда Исмоил қизи-магистрант	Сиртларнинг уч ўлчамли моделлаштириш усуллари ва график ёндашувлар	616
2.	У.А.Насритдинова - п.ф.ф.д.,(PhD), доцент, А.М.Ходжаев - магистрант	Қурилиш ва архитектурада рақамли технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги	620
3.	U.A.Nasritdinova - p.f.f.d., (PhD) dotsent, A.M.Xodjayev – magistrant	Bino inshootlarini loyihalashda zamonaviy modellashtirish texnologiyalarini qo'llash	626
4.	RAXMANKULOVA BARNA OKTAMXANOVNA – dotsent ABDIKAYIMOVA GULNOZ ADILOVNA – kattao'qituvchi SAPAROVA	Matematik modellashtirishni qo'llash qishloqva suv xo'jaligida rivojlanish omilidir	630

## ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ ЎРНИ

М.М.ЯХЯЕВ – ТИҚҲММИ доктаранти

### Аннотация

Уибу мақолада ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланниши дастурини изчилигина амалга оширилиши, иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштирилиши ва ривожлантирилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегяси тўғрисидаги” фармони, 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сонли “Чорвачилик тармогини янада ривожлантириши ва кўллаб-қувватлаши чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва тегишили давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишидаги масалаларни ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** яйлов чорвачилиги, яйлов тизимлари, қоракўлчилик, наслчилик, қоракўлчилик кластрлари, жун, тери, яйловларнинг озуқа базаси

Қоракўл қўйларни боқищда асосан чўл ва чала чўл яйловлардан фойдаланилади. Бундай ерларнинг умумий майдони 210 млн гектардан ортади. Қозогистон Республикаларида яйлов қўйчилиги ривожланган 80-97% ни табий яйловлар эгаллайди. Қозогистондаги табий яйловларнинг умумий майдони 180,0 млн гектар бўлиб, шундай қарийб 122,7 млн гектари чўл ва чала чўл зоналарида жойлашган. Жанубий Қозогистоннинг ўзида, Гурьев, чимкент, Қизил Үрда ва Жамбул облислари территорясида чўл яйловлари қарийб 54,0 млн гектарга етади. Ўзбекистондаги табий яйловлар майдони 29 млн гектардан ортади. Шундан 28,1 млн гектари ёки 95,2 % чўл ва чала чўл яйловлардир. Туркманистондаги 49,1 млн гектар умумий ер майдонининг 41,0 млн гектарни табий ўтзорлар ташкил этади. Чўл ва чала чўллар иқлими кескин континентал бўлиб, хароратнинг суткалик ва мавсумий ўзгаришлари катта миқдорни ташкил этади. Масалан, Термизда ёзда харорат соя жойда 48-49,5 даражада гача иссиқ, кишида эса баъзан 20-25 даражагача совуқ бўлади. Ўзбекистоннинг шимолида (Томди посёлкасида) ойлик ўртача харорат июль ойида +30 ни, январь, ойида -4,10 ни ташкил этади.

Сув билан кам таъминланганлиги барча яйловларнинг ўзига хос белгисидир: чўлда бир йил давомида 75-175 мм, чала чўлда эса 100-300 мм (400 ммгача) ёгин ёгади, шу билан бирга, ёгин миқдори йил мавсумларида ва турли йилларда нихоятда турлича бўлади

Шимолий чўллар кичик зonasида баҳорда энг кам, ёзда энг кўп ёгин ёгади. Жанубий чўлларда эса ёгин асосан қиши баҳорда ёгади, ёз ва куз фасиллари кургоқчил бўлади. Вегетация даврининг узунлиги 190 кундан 250 кунгача давом этади. Қиши ойларида кор кам ёгади ва совуқ бўлади.

Чўл ва чала чўллардаги табий шароит хусусиятларига кўра ушбу зўналарнинг ўсимликлари хам ўзига хос белгиларга эга. Ўрта Осиё ва Қозогистон чўлларида турли экологик формадаги озиқбоп ўсимликлар ўсади ва улар йил бўйи фойдаланиш учун яроқли даймий озиқа хисобланади. Чўлларнинг бундай қимматли хусусияти туфайли қоракўл қўйларни яйловда асрараш гоят кулайдир. Шу билан бирга қоракўлчиликда фойдаланиладиган яйловларнинг маҳсулдорлиги жуда паст ва йилнинг турли мавсумларида бир хил бўлмийди.

Кумли яйловларда жуда сер хосил йилларда ем хашак миқдори 1,5 баробар кўпаяди ва об-хаво жуда ноқулай келган йилларда ўртacha хосил нисбатан 2 баробар камайиб кетади. Қоракум яйловларида хар 10 йилнинг 3 йили сер хосил, 4 йили қониқарли ва 3 йили кам хосилли бўлади.

1960-1970 йилларда Ўзбекистоннинг гарбидаги яйловлари 4 йил қаторасига хосилсиз бўлди, бу давирда ем хашак базаси ўртacha хосилли йилдагининг 40-60 % дан ошмаган, 2 йил серхосил бўлиб ўртacha хосилли йилдагига нисбатан 200 % кўп олди, 2 йил эса ўртacha хосилли бўлди.

Яйлов озигининг тўйимлилиги хам шундей кескин ўзгариб туради. Бахордаги вегетация даврида ўтлар жуда тўйимли бўлади қишида эса тўйимлилиги жуда пасайиб кетади. Масалан Ўзбекистондаги шувоқ эфемир ўсимликлар ўсадиган яйловларда қоракўл кўйлар бохорда бир йиллик хазим бўладиган протеин моддаларининг 203,7 % ни ёзда 118,4% ни, кузда 66,3%ни ва қишида атига 29,8% ни олади.

Чўл ва чала чўл яйловларининг махсулдорлиги жуда паст у ерда етишадиган озиқ миқдори турли йилларда хар хил бўлишига қарамай, уларда арzon озиқ моддаларинг жуда катта захиралари мавжуд. Бундай яйловлар қоракўлчиликнинг озуқага бўлган эҳтиёжининг 90-95% ни таъминлайди ва улар аслида қоракўл кўйларинг бутун умри ўтадиган экологик муҳит хисобланади

Ўрта Осиё ва Қозогистондаги табий яйловларда 50 миллионга яқин қўй ва эчки, шу жумладан, 13,5 миллион бошдан кўпроқ қоракўл қўй, 15 миллион бош қорамол, 3 миллион йилқи ва туяларнинг хаммаси боқиласди. Мамлакатимизда етиштириладиган қоракўл терининг хаммаси, жуннинг 16 % чўл ва чала чўл яйловларда боқиласдиган кўйлврдан олинади. Чўл чорвачилигининг таннархи (гўшт, жун, қоракўл) тармоқ бўйича эришилган ўртacha таннархдан ярим баравар арzonга тушади.

Демак, мамлакатимизда яйлов ва яйловлардан фойдаланиш доирасидаги муносабатларни ташкилий ҳамда иқтисодий жиҳатдан тартибиға солиш, яйлов худудларида экология мусаффолиги ва биохилмаҳилликни сақланишига эришиш учун унинг ҳуқукий асосларини такомиллаштириш масаласи долзарб вазифа сифатида юзага чиқмоқда. Бизнинг фикримизча, Республикализнинг бебаҳо табиий ресурси - яйловларга бўлган муносабат амалда тегишли ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни қабул қилинмаганлиги, амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштирилмаганлиги билан ифодаланади.

Ривожланган хорижий давлатлар, шунингдек Республикализга қўшни давлатлар қонунчилигида яйлов ва яйловлардан фойдаланиш масаласида алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Жумладан, Қиргизистон Республикасида жами 9.0 млн. гектар яйлов ерлари мавжуд бўлиб, улар асосан тог ва тог олди худудларида жойлашган. Қиргизистонда “Яйловлар тўгрисида”ги қонун 2009 йил 26 январда қабул қилиниб, у жами 19 та моддадан иборат

Қонунда яйлов бўйича мулкий ҳуқуқлар, яйловларнинг чегараларини белгилаш, маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, яйловдан фойдаланувчилар бирлашмалари, қишлоқ қўмиталари, яйловни бошқариш ва фойдаланишда маҳаллий ҳамжамиятнинг режалари, яйловдан фойдаланишнинг йиллик режалари, ер солигиниундириш, яйлов ерларидан фойдаланишда ҳак тўлаш тартиби, яйловдан фойлаланганлик учун тўланадиган маблаглардан фойдаланиш, хорижий шахсларга яйлов ерларни бериш тартиби ва бошқа йўналишлар бўйича махсус алоҳида моддалар киритилган. Қиргизистон Республикасида мазкур қонунни қабул қилиниши муносабати билан яйловлардан фойдаланиш ва бошқариш масаласида ижобий ютуқлар кўлга

киритилди, аммояйловлардан фойдаланиш билан боглиқ масалалардаги камчиликларни хуқуқий жиҳатданхал қилиш имкониятлари кенгаймоқда.

Туркманистн Республикасида жами салкам 39,0 млн. гектар яйлов – чўл худудларимавжуд бўлиб, уларнинг катта қисми текислик ва ярим пасттекислик худудлари дажойлашган. Туркманистонда 2015 йил 8 август куни “Яйловлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 7 та боб, 44 моддадан иборат.

Қонунда Туркманистонда яйловлар тўғрисидаги қонунчиликлар, тамойиллар ва вазифалар, яйловгабўлган мулкий хуқуқ, яйлов ерлари, яйловлар классификацияси, яйловларни муҳофаза 12 қилиш ва фойдаланишда давлат бошқарув ва назоратни амалга оширувчи органлар, уларининг ваколатлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, яйловдан фойдаланишнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари, яйловдан фойдаланувчилар бирлашмаларини ташкил қилиш тартиби, яйловлардан фойдаланишни тартибга солишкомиссиясини ташкил қилиш ва бошқа хуқуқий томонлари баён қилинган. Тожикистон Республикасида жами 14,2 млн. гектар ер фонди бўлиб, унинг 3,5 млн. гектари яйлов ерлари ҳисобланади. Тожикистон Республикасида 2013 йил 19 март куни “Яйловлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 5 та боб, 30 моддадан иборат. Қонунда асосан яйловга давлатнинг мулкчилиги, яйловдан фойдаланувчилар ўюшмасини ташкил қилиш тартиби, маҳаллий органларнинг ваколатлари, маҳаллий давлат органлари хузурида Халқ депутатлари кенгашининг қарорига мувофик Яйловдан фойдаланишни тартибга солиш комиссиясини ташкил қилиниши, қисқа муддатли ва йиллик режаларни ишлаб чиқиш, давлат томонидан яйловдан фойдаланишни тартибга солиш вакўллаб – қувватлаш механизmlари, ва энг асосийси яйловларда геоботаник тадқиқотларни олиб бориш каби моддалар мавжуд.

Қозогистон Республикасида 188 млн. гектар яйлов ерлари мавжуд бўлиб, унинг 48 млн. гектари ёки 26 фоизи таназзулга учраган. Қозогистон Республикасида “Яйловлар тўғрисида”ги қонун мамлакат Мажлисининг тегишили қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, шу вактгача бир неча марта муҳокамақилинган. Қозогистонда мазкур қонун ёрдамида жамоатчилик – мувофиқлаштирувчи органни ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда. Мазкур қонун – яйлов инфратузилмасининг ҳолатини яхшилаш, яйлов ерларда таназзулликни олдини олиш ва яйлов экотизимиининг ғизиологик яхлитлигини саклашга эришиш мақсадига йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаиз чўлланиш ва кургоқчиликка қарши курашиш бўйича ҳалқаро конвенцияларга аъзо давлат ҳисобланади. Охирги йилларда яйлов экотизимиини яхшилаш, яйловларда ўсимликлар ва ҳайвонотдунёсини бойитиш, қўкаламзорлаштириш ва ўрмонлар худудларини кенгайтириш, айниқса Орол денгизининг қуриган тубида янги ўрмонзорлар барпо қилиш асосида чўл – яйлов ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши учун қўлай шароит яратиш, қум кўчишларининг олдини олиш ва унинг майдонларини камайтириш ҳамда бошқа шу каби йирик ва улкан амалий тадбирлар тегишли вазирликлар, қўмиталар, ташкилотлар ва илмий муассасалар томонидан мақсадли ҳамда тизимли амалга оширилиб келинмоқда.

### Хулоса

Мамлакатимизда яйлов чорвачилигига хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, амалий жиҳатдан чорвачилик хизматлани кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий-бошқарув, хуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тизимини ташкил этиш борасида назарий билимларни бойитишга имкон яратади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Куччиев У. Чорвачиликка хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Тошкент.-“Агро илм” Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси. -2017. -№ 4. -Б. 103-105.
2. Хусанов Р.Х. Аграп ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида дехкон хўжаликларининг ривожлантириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2003 . -№6 –Б. 6-7.
3. Хушматов Н. Рахимова Г. Бозор шароитида чорвачилик тармогини ривожлантиришни мувофиқлаштириш муаммолари / Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси // Ж. -№ 12. -2008. –Б.13-14.
4. Хусанов Р.Х. Республика аграп иқтисодиётида фермер хўжаликларининг ўрни ва уларнинг барқарор ривожланиш концепцияси // Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари: конференция мазрузалар тўплами. – Тошкент, -2005. –Б. 46-51.
5. Файзиева Ш. Чорвачиликка истисослашган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. –Тошкент: ЎЗБИТИ, 2001. –15 б.
6. Абдуллаева С.С. Сут йўналишидаги қорамолчилик тармогини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент: ҚҲИТИ, 2018. -45 б.

## RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITDA INNOVATSION FAOLIYAT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'NALISHLARI

A.A.Berdimurodov – TIQXMMI assistenti  
M.R.Xalilova – TIQXMMI talabasi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida innovatsion faoliyat samaradorligini oshirish yo'nalishlari bo'yicha tmuammolar ko'tarilib ularga takliflar va yechimlar bayon qilingan.

**Kalit so'zlar.** Innovatsiya, qishloq xo'jaligida innovatsion texnologiyalar, innovatsion faoliyat.

Iqtisodiy va texnologik taraqqiyotning yangi bosqichi sifatida namoyon bo'layotgan raqamli inqilob insoniyat hayotini shiddat bilan o'zgartirib, keng imkoniyatlar yaratish bilan birga, xalqaro raqobat maydonining yanada keskinlashuv davrini boshlab berdi. “Raqamli iqtisodiyot” atamasi birinchi bo'lib 1995 yilda Don Tepkott muallifligida chop etilgan “Raqamli iqtisodiyot: tarmoqli intelekt asrida va'da va xavf-xatar” (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) nashrida alohida tushuncha sifatida istiloh etilgan. Ushbu nashrda raqamli iqtisodiyotning asosiy tarkibiy qismlariga fundamental innovatsiyalar (yarimo'tkazgichlar, protsessorlar), asosiy texnologiyalar (kompyuterlar) va bog'lovchi infratuzilmalar (internet va telekommunikatsiya tarmoqlari) ajratib ko'rsatiladi.

Raqamli iqtisodiyot ikki xil turli tushunchalarni ifodalash uchun ishlataladi. Birinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu rivojlanishning zamonaviy bosqichi hisoblanib, u ijodiy mehnat va axborot ne'matlarining ustuvor o'rni bilan tavsiflanadi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu o'ziga xos tushuncha bo'lib, uning o'rganish ob'ekti axborotlashgan jamiyat hisoblanadi.